

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”

№ 84/1 “10” ИЮНЬ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки

Раисининг биринчи ўринбосари

Б.Э. Захидов



“ANOR BANK”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТНИНГ
УСТАВИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР

“ANOR BANK” акциядорлик жамияти Акциядорларининг Навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан
“ТАСДИҚЛАНГАН”
2022 йил 14 майдаги
(2/2022-сонли баённома)

“ANOR BANK” АЖ
Йиғилиш раиси

И.Н. Носиров



ТОШКЕНТ – 2022

**“ANOR BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
МАТНИ**

(“ANOR BANK” акциядорлик жамияти Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий итогишини томонидан 2022 йил 14 майда (2/2022-сонли баённома) тасдиқланган)

91-чи банд биринчи хатбошисидаги “бир йил” деган сўзлар “уч йил” деган сўзлар билан алмаштирилсин ва қўйидаги мазмунда баён этилсин:

Кузатув кенгаши 5 кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

101-чи банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк Бошқаруви 7 (етти) кишилик таркибдан иборатdir. Банк Бошқаруви таркибига раис, унинг ўринbosарлари ва банк Кузатув кенгашининг карорига асосан банкнинг муҳим аҳамиятга эга булган ходимлари, шунингдек бошқа мустақил бўлимларнинг раҳбарлари киритилиши мумкин.

102-чи банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк Бошқаруви раиси лавозимга Кузатув кенгашининг қарори билан уч йил муддатга тайинланади ва кейинчалик Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилади. Банк Бошқаруви раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан уч йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Банк Бошқаруви раиси тайинлаш тўғрисидаги қарор, юкори малакали хорижий менежерлар хам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

Банк Бошқаруви аъзолари Кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга тайинланади. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари улар билан уч йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

“ANOR BANK” АЖ
Бошқаруви Раиси



Ш.С. Акрамов